



2017 йил «17» январ

№ 46-г

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
иссиқхона биносини қуриш учун ер
майdonи танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлок хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 9 мартдаги «Шаҳарсозлик фаолияти ва кишлок хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари беришнинг, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишишнинг, шунингдек объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар беришнинг умумий белгиланган тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 70-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 06 декабрдаги Самарқанд вилоят бош архитектори билан келишилган №01-926-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 12 январдаги №22-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад шаҳрида жойлашган «Нурабад Баҳо ишонч» х/к раҳбари Қурбонов Исमत томонидан Нурабад шаҳар Амир Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,40 гектар ер майдонига «Иссиқхона» қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер учасқасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 17 январдаги қарорномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод шаҳар Амир Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,40 гектар ер майдонига “иссиқхона” қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2016 йил 17 январдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Қурбонов Исматга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Қурбонов Исмат томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Қурбонов Исмат томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов